# Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

**(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).**

қўшилар эканмиз, — съезд делегатлари ҳам шу фикрга қўшилган эдилар, унда паст сифат йўлига, бракка коллективларнинг ўзида ҳам, давлат йўли билан ҳам тўсиқ қўйиш учун ҳаракат қилиш, кескин ҳаракат қилиш пайти келди.

Марказий Комитет мамлакат меҳнаткашларига ёзилган ва сизларга маълум бўлган хатда шу масалаларни кўтарган эди. Ҳозир яқин вақтлар ичида меҳнат ҳақини иш сифатига янада чамбарчас боғлиқ қилиб қўйиш имконини берадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Чамаси, сифат ҳақида махсус қонун ҳам қабул қилиш лозим. Паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттираверадиган корхоналар маъмурий тартибда ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам буни ҳис этишлари лозим. Маҳсулот қабул этилмадими, у сотилмай қолиб кетдими, бу нарса коллективнинг моддий аҳволига, меҳнат ҳақи даражасига таъсир қилиши керак.

Корхоналардаги техника контроли системасини қайта қуриш масаласи ҳам пишиб етилди. Ҳатто яхшигина асосий материаллар бўла туриб ва замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида айрим завод ва фабрикалар баъзан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги сир эмас. Бу маҳсулотнинг қанчаси қайтариб юборилаётганини, қанчасини истеъмолчи катта чиқимлар эвазига ўз жойида эпақага келтириб олаётганини ҳисоблаб чиқиш қийин.

Яқинда КПСС Марказий Комитетига пермлик ўртоқ Машинадан хат келди. Унинг маълум қилишича, «Каскад» телевизорини сотиб олибди, дарвоқе у Куйбишевдаги «Экран» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган экан. Телевизор 15 минут ишлабди. Ремонт қилиш учун чақирилган уста бу телевизорни ножўя сотиб олибсиз, деб айтибди, чунки сотишга чиқарилган шу телевизорларнинг ҳаммаси телеательеда ремонт қилинаётган экан. Текширишда маълум бўлишича, шу бирлашманинг 49 мингта телевизори сифатсиз бўлиб, гарантияли хизмат муддати даврида ремонтга тушган. Бундай аҳвол ҳеч кимни қониқтирмайди албатта. Хўш, техника контроли бўлими системаси ишлаб турган корхонадан сифатсиз маҳсулот қандай қилиб чиқиб кетди? деган ҳақли савол туғилади.

Афтидан, бу соҳадаги ишларимизнинг ҳаммаси ҳам жойида эмас. Техника контроли хизмати сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётганларнинг, корхонага раҳбарлик қилаётганларнинг кучли маънавий ва моддий таъсири остида турганга ўхшайди. Шу сабабли кейинги вақтларда ўзи иш кўрадиган идорага тобе бўлмаган контролга ўтиш масаласи қатъият билан илгари сурилмоқда. Ҳозир мамлакатнинг 42 та корхонасида маҳсулотни давлат йўли билан қабул қилиш системаси текшириб кўрилмоқда. Москвадаги «Фрезер» қирқув асбоблари заводининг иши шу системанинг самарадорлигини кўрсатиб турибди. Бу — сифатли маҳсулот чиқариб обрў қозонган, ҳамма соҳаларда ишни ўринлатиб келаётган машҳур корхона. Заводдаги техника контроли бўлимининг 223 контролёри ҳам корхонанинг юксак шон-шарафини виждонан қўллаб-қувватлаб келаётган эди.

Мана шундай шароитда Давлат стандартининг 4 нафар вакили нималарни ўзгартириши мумкин эди? деб сўрашлари мумкин. Бироқ янги бўлим завод маҳсулотига шунчаки янги кўз билан эмас, балки ҳақиқатан ҳам ўткир назар билан қаради. Қўлланилаётган технология ҳужжатлари жуда эскириб қолганлиги ҳам, метрология приборлари зўр аниқлик билан ишламаётганлиги ҳам, баъзан эса план техника контроли бўлимини стандартдан унча-мунча чекинишларни парво қилмай ўтказиб юборишга мажбур қилаётганлиги ҳам аниқланди. Хуллас, ҳатто мана шу кучли корхонада ҳам дастлабки пайтларда маҳсулотнинг биронта туркуми текширишдан ўта олмади. Аммо, ярим йилдан кейин биринчи бор тақдим этишдаёқ маҳсулотни топшириш 99 процентга етди. Янги бўлим завод коллективини бир «силкитиб» қўйди, брак ўтмаслиги ҳаммага равшан бўлган муҳитни юзага келтиришга мажбур қилди.

Бошқа корхоналарда ҳам тахминан мана шундай самарага эришилди. Техника контроли бўлимидан маҳсулотни Давлат стандарти вакилларига биринчи бор тақдим этишдаёқ топшириш 1985 йилнинг май-июнидаги 10—30 процентдан 1986 йилнинг биринчи кварталида 80—95 процентга етди. Корхоналарда стандарт талабларини ва техникавий шартларни бузиш даражаси 65—70 процентни ташкил қилар эди, ҳозир эса бу талабларга тўла-тўкис риоя этилмоқда.

Контролга олинган корхоналар ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли молларининг сифати ошди, шу туфайли уларнинг маҳсулотига талаб кучайди. Чунончи, 1984 йилги улгуржи ярмаркада савдо ташкилотлари Ленин номли Горький телевизор заводининг ишлаб чиқариш планига киритилган рангли телевизорларнинг 67 процентини харид қилиб олишдан воз кечган эдилар. Ўтган йилнинг охирида эса, Давлат стандарти йўли билан қабул қилиш ташкил этилганидан сўнг ўша ташкилотларнинг ўзи мазкур заводнинг рангли телевизорларини юборишни кўпайтиришни илтимос қилиб мурожаат этдилар.

Янги тартиб айрим кишиларнинг даромадини қисқартириб қўйди, албатта. Бироқ, холисона талаблар қўйилаётганини, давлат манфаатларини кўзлаб ёндашилаётганини одамлар тушуниб олишди. Энди улар партия даъват қилаётганидек ишламоқдалар. Ўйлайманки, тольяттиликлар ҳам, Куйбишев областидаги ва бутун мамлакатдаги барча корхоналарнинг меҳнатчилари ҳам бу яхши ташаббусни қўллаб-қувватлайдилар.

Хўжалик юритишнинг самарали методларини қўлланиш нақадар катта аҳамиятга эга эканига Куйбишев ва Тольяттидаги корхоналарнинг ишчилари, мутахассислари, раҳбарлари билан суҳбатлар чоғида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Кейинги вақтларда биз бу ҳаётий муҳим масалаларга кўп эътибор беряпмиз, чунки мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган бош йўлимиз рўёбга чиқишининг муваффақияти кўп жиҳатдан мана шу масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Ҳа, ўртоқлар, олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг муваффақияти хўжалик юритишнинг янги методларини нақадар тез ўзлаштириб олишимизга боғлиқ.

Партия XXVII съезди мана шу жуда катта ва ғоят муҳим ишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Халқ хўжалигида орттирилган тажриба —қабул этилган қарорлар учун илк нуқта деб белгиланди. Бу ерда мен ВАЗ коллективига, азиз ўртоқлар, сизларнинг ҳам ишингизга муносиб баҳо бериб ўтишни истайман.

Қарийб бир йилдан бери автомобилсозлар планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги принциплари асосида ишламоқдалар. Мана шу чуқур ва кенг миқёсли экспериментнинг дастлабки якунлари кишини қувонтиради. Ишчиларнинг, иженер -техник ходимларнинг, бутун коллективнинг ташаббуси ошди. Фан ва техника ютуқларини жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун янги имкониятлар очилди. Коллектив ишлаб чиқаришни янги моделлардаги машиналар чиқаришга мослаб, қайта қуриш соҳасидаги катта ишларни авж олдириб юборди, мавжуд қувватлардан самаралироқ фойдаланишга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга асосий эътиборни қаратди. Бу — тўғри йўлдир, коллективнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш учун энг ишончли йўлдир.

Биз хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштиришда сизларнинг муваффақиятингизга жуда қизиқиб қараяпмиз, ўртоқлар. Суми машинасозлик бирлашмасининг коллективи ҳам шу йўлга тушиб олди. Ўзини-ўзи пул билан таъминлаш системаси унинг ишларини жуда юриштириб юборди, ташаббусга қанот берди, меҳнат самарадорлигини оширди.

Шу ўринда: хўш, бу нарса реал равишда нималар беряпти, деган савол туғилиши табиий. Суми машинасозлик бирлашмасида 1985 йилда меҳнат унумдорлигини 13 процентдан зиёд оширишга ва фойдани 32 процент кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Одамларнинг юксак кўрсаткичларга эришишдан манфаатдорлиги ва активлиги кучайди. Энди улар — фойда нақадар кўп бўлса, коллективнинг социал проблемаларини ҳал этишга шу қадар кўп маблағ ажратилишини яхши тушунадилар. Илгари меҳнат коллективи ишлаб чиқаришнинг ҳамма резервларидан тўла-тўкис фойдаланишдан унчалик манфаатдор эмас эди. Бугун амал қилаётган хўжалик механизми одамларнинг бутун куч-ғайратини сафарбар этиб ишлашини талаб қилади.

Сизлар ўз кўрсаткичларингизни биласизлар, шу сабабли улар ҳақида гапириб ўтирмайман. Ҳозир Химия ва нефть машинасозлиги министрлигининг ҳамма корхоналари, шунингдек бошқа тармоқларнинг 30 та корхонаси сизларнинг тажрибангизни эътиборга олиб, хўжалик юритишнинг янги методларига ўтишга тайёрланмоқда. Ўзини ўзи пул билан таъминлаш системаси машъум ялпи маҳсулот кўрсаткичига зўр беришга қарши курашнинг самарали усули эканини сизларнинг тажрибангиз ва Суми машинасозларининг тажрибаси яна бир карра кўрсатди. Бу система беҳуда харажатга йўл қўймаслик механизмига айланиб бормоқда. Бу эса ҳозир биз учун энг муҳим вазифалардан биридир.

Шу билан бирга марказий бошқарув органлари: министрликлар ва идоралар, умумдавлат иқтисодий органлари ишини қайта қурмай туриб, бошқарувни ва хўжалик юритиш методларини тубдан қайта қуришга эришиб бўлмаслигини турмушнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу соҳада ҳам обдон ишлашга тўғри келади. Бунда қуйидаги бир нарсани назарда тутмоқ керак: планли экономиканинг жуда катта афзалликлари марказий бошқарув органларининг фаолияти орқали рўёбга чиқарилади. Шу сабабли биз ҳозир қайта қуришни кучайтириб бораётган бир пайтда буни унутмаслик керак.

Биз зарур ҳолларда марказлаштириш негизини ҳатто кучайтиришимизга тўғри келади, ўртоқлар. Бироқ, халқ хўжалиги пропорцияларини, унинг мувозанатини таъминлашга, умумдавлат, тармоқ ва регион манфаатларини энг мақбул тарзда бирга қўшишга тааллуқли ишлардагина марказий бошқарув органларининг ролини кучайтириш керак. Мана шуларнинг ҳаммасини қилиш лозим. Ҳолбуки, планлаштиришдаги камчиликлар оқибатида биз кўпинча халқ хўжалигидаги турли-туман чалкашликларга дуч келиб турибмиз. Бу ҳол унинг пировард натижаларига салбий таъсир қилмоқда.

Масалан, қишлоқ хўжалик машинасозлигида шу сабабга кўра «тракторга зўр бериш» қабилидаги ўзига хос оғмачиликка йўл қўйилди. Кўп йиллар мобайнида тракторлар ишлаб чиқариш жадаллаштирилаверилди, аммо уларни ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги тегишли иш билан мустаҳкамланмади. Бу эса шунга олиб келдики, колхоз ва совхозлар жуда кўп тракторга эга бўла туриб, улардан самарали фойдалана олмаяптилар. Энг муҳими шуки, бу ҳол қишлоқ хўжалик ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказилмаслигига, демак, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилига ҳам таъсир қилди.

Ёки химия саноатини олиб кўринг. Ҳозир бу соҳада шундай вазият вужудга келди: қувватларнинг ўзаро мувофиқ эмаслиги оқибатида маҳсулот ишлаб чиқаришда кўнгилдагидек самара олишга муваффақ бўлинмаяпти. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам шунга ўхшашроқ ҳолат вужудга келмоқда. Буларнинг ҳаммаси марказий планлаштириш ва бошқариш органларимиз фаолиятининг камчилигидир ва биз ишларнинг аҳволини тўғрилаб олишимиз лозим.

Шу билан бирга, ҳамма марказий идораларни корхоналарга васийлик икир-чикиридан корхона ва бирлашмаларнинг ўзлари, меҳнат коллективлари ҳал қилиши лозим бўлган ишлардан халос этиш йўлини қатъият билан ўтказиш керак. Дарҳақиқат, министрликлар ва тармоқ бошқарувининг бошқа органларигина эмас ҳатто Госплан ва Молия министрлиги ҳам, сирасини айтганда, ўзларига хос бўлмаган ҳаддан ташқари кўп миқдордаги майда-чуйда хўжалик масалаларини ҳал этишни ўз зиммаларига олишларини нормал ҳол деб бўладими, ахир? Бу иллат кучларни пароканда қилиб юборади, марказий иқтисодий идораларнинг истиқбол масалаларига, корхона ва бирлашмаларнинг иш шароитларини таъминлашга асосий эътиборни қаратишларига имкон бермайди.

Бундай практикадан қатъиян воз кечиш керак, албатта. Шу муносабат билан съезднинг корхона ва бирлашмалар, колхоз ва совхозлар, лойиҳа ва конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот институтлари, меҳнат коллективларининг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш, ташаббусини ривожлантириш ва масъулиятини ошириш тўғрисидаги йўл-йўриқларини тезроқ рўёбга чиқариш зарурлиги ҳақида яна бир бор гапириб ўтмоқ керак.

Биз меҳнаткашларнинг ташаббусига амалда йўл очиб беришимиз керак. Корхона раҳбари ҳозир қандайдир иккиёқлама ҳолатга тушиб қолаётганини ҳаммамиз кўрмаяпмизми, ахир? Бир томондан, биз ундан мустақилликни, ишдаги оперативликни, социалистик омилкорликни талаб қилаяпмиз. Иккинчи томондан эса, кўпдан-кўп инструкциялар, асоссиз чеклашлар билан унинг қўл ва оёғини боғлаб қўяяпмиз. Баъзан бўлаётганидек, ишга ижодий муносабат намунасини кўрсатган ташаббускор ходимлар фақат бир сабабга кўра: уларнинг ҳаракатлари эскирган қоидалар ва инструкцияларга мос келмаётганлиги сабабли қоидани бузувчилар қаторига тушиб қолаётганлигига йўл қўйиб бўлмайди.

Бу фикрни бир мисол билан тасдиқламоқчиман. Бир вақтлар комсомолнинг ташаббуси билан аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳамма ишларни ўзи бажарадиган бригадалар тузилди. Енгил саноат корхоналари ва савдо ташкилотларининг ходимлари мамлакатнинг ҳамма жойларида ҳамкорлик тўғрисида шартномалар туза бошладилар. Ўшанда Челябинскда бундан ҳам илгарилаб кетишди. Бу ерда ёш пойабзалчилар билан савдо марказининг сотувчиларидан иборат тармоқлараро ҳамма ишни ўзи бажарувчи бригада тузилди. Одамларнинг куч-ғайратлари, иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш фондлари бирлаштирилди. Жонли алоқа, маҳсулотга бўлган талабга кўра меҳнат ҳақини бевосита белгилаш системаси вужудга келди.

Мана шу система ишлай бошлади. Брак бутунлай тугатилди, аёллар пойабзалининг сифати чет эллардаги энг машҳур фирмаларнинг маҳсулотидан қолишмас эди. Табиийки, пойабзалга бўлган талаб кескин кучайди. Хўш, Россия Федерациясининг Енгил саноат ва Савдо министрликлари бунга қандай назар билан қарадилар? Улар енг шимариб, ажойиб тажрибани оммалаштиришга киришишлари лозим эди, аммо мутлақо бундай бўлмади.

Министрликларнинг ходимлари Челябинск комсомолларининг тажрибасида фақат бир нарсани кўрдилар: бу тажриба Госпланнинг, Молия министрлигининг, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг инструкцияларига мос келмас эди. Шундай хулоса чиқарилди: ташаббус ёмон эмас, албатта, бироқ, агар у жорий қилинадиган бўлса, у жуда кўп ташвишга сабаб бўлади, кўп ишни қайта қуришга тўғри келади. Шу тариқа ёшларнинг ташаббуси бўғилди, яхши ишга йўл берилмади. Яқиндагина шундай бўлган эди, ўртоқлар, аммо энди бундай бўлмаслиги керак. Қисқаси, ҳозир экономикани бошқаришни такомиллаштиришдан ҳам, корхона ва бирлашмалар коллективларининг ташаббуси, мустақиллиги ва масъулияти учун кенг имконият очиб берадиган хўжалик механизмини ишлаб чиқишдан ҳам муҳимроқ ва зарурроқ вазифа йўқ.

Марказий Комитет, ҳукумат бу соҳада сабот билан иш олиб бормоқдалар. Фақат кейинги вақтнинг ўзида халқ хўжалигининг ўзаро боғланган ёки бир турдаги тармоқлари группаларини бошқарадиган органлар — СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Министрлар Советининг машинасозлик бўйича, ёқилғи-энергетика комплекси бўйича бюролари тузилди. Саноат тармоқларини асосан икки бўғинли бошқариш системасига ўтказиш иши олиб борилмоқда. Айни вақтда хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини жорий қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Яқинда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси агросаноат комплексидаги янги хўжалик механизмини маъқуллади. Жуда катта аҳамиятга молик ҳужжат қабул этилди ва эълон қилинди. Унда баён этилган тадбирлар системасидан нималарни алоҳида уқтириб ўтмоқчиман? Давлатга маҳсулот сотишнинг беш йилга мўлжалланган ва ўзгартирилмайдиган қатъий планлари жорий этилиб, хўжаликларга пландан ташқари етиштирилган жамики маҳсулотни ўзи тасарруф этиш ҳуқуқи берилади. Бундай ёндашув қишлоқ меҳнатчиларининг ташаббуси учун кенг имконият очади, уларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан бўлган манфаатдорлигини оширади.

Колхоз ва совхозларнинг мустақиллиги кенгайтирилади ва иш натижалари учун масъулияти кучайтирилади. Бу принципни қўлланишдан маҳаллий органлар ҳам манфаатдордирлар. Хўжаликлар марказлаштирилган фондларга маҳсулот етказиб бериш топшириғини бажарганларидан кейинги гўшт, сут, бошқа маҳсулотларнинг ресурслари уларнинг ихтиёрида қолади. Бинобарин, маҳаллий имкониятлар ҳисобидан таъминлашни яхшилаш учун реал йўллар очилади. Республика ва область органлари марказдан ажратиб бериладиган фондларга умид боғламай, қишлоқ меҳнатчиларига активроқ кўмаклашишлари лозим бўлади. Агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг янги методлари ҳеч кечиктирмай ва ҳамма жойда жорий этилиши муҳимдир. Шундагина биз аҳолини бир қанча юқори сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдаги тақчилликка тезроқ барҳам бера оламиз.

Ҳозир енгил саноатда хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда. Мақсад бу соҳада ҳам ишга ялписига ёндашишни тугатишдан, тармоқ ходимларининг, шунингдек савдо ходимларининг юқори сифатли моллар ишлаб чиқариши ва сотишини кўпайтиришдан максимал равишда манфаатдор қилишдан иборат. Шундай қилиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳаётигагина эмас, меҳнатга ҳақ тўланиши ҳам ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатига, турларига, бозорнинг эҳтиёжига мувофиқ иш тута билиш маҳоратига бевосита боғлиқ қилиб қўйилади.

Хуллас, ўртоқлар, партия бошқарувни ва хўжалик механизмини такомиллаштириш ишини мантиқий ниҳоясига етказишга жиддий аҳд қилган ва биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз. Халқнинг зўр ижодий имкониятлари ўзининг бутун қудрати билан намоён бўлиши, мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёт янги чўққиларига кўтарилишига имкон бериши учун ҳамма ишни қиламиз.

Мен шу пайтгача экономика соҳасидаги вазифаларимиз тўғрисида гапирдим. Бироқ экономикани юксалтириш бирдан-бир мақсадимиз эмас. Биз энг аввало халқнинг фаровонлигини оширишимиз, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашимиз учун шундай қилишимиз зарур. Биз социал соҳани ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўлдан дадил боряпмиз. Бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ катта тадбирлар амалга оширилди, планлаштириш принципларига зарур тузатишлар киритилди. Капитал маблағлар социал программа фойдасига қайта тақсимланди. Регионларнинг эҳтиёжлари ва ўзига хос хусусияти тўлароқ ҳисобга олинадиган бўлиб қолди.

Уй-жой қурилиши тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Биз бу борада жуда катта куч-ғайрат сарфлаётганимизни яхши биласизлар. Миллион-миллион кишилар кейинги йилларда янги уй-жойлар билан таъминланди. Аммо бу масала шу пайтгача ўткирлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда Марказий Комитет уй-жой қурилишини кенгайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўрмоқда. Одамлар, айниқса анчадан буён навбатда турган кишилар тезроқ уй-жой шароитини яхшилай олишлари учун ҳамма ишни қилиш керак. Партия билан ҳукумат турмушимизнинг мана шу ғоят муҳим томонига ўз эътиборини сусайтирмаслигини айтмоқчиман. Лекин бу борада корхоналарнинг имкониятларидан активроқ ва тўлароқ фойдаланиш зарур, деб ўйлаймиз.

Партия комитетларининг ташаббуси туфайли меҳнат коллективларида кўпгина социал масалалар ҳал этилаётганлигини айтиб ўтишим керак. Ригадаги ВЭФ заводида умумий овқатланиш системаси ёки белоруссиялик химиклар ва липецклик металлурглар меҳнатни ва саломатликни муҳофаза қилишни қандай ҳал этаётганликларини, Москва областидаги Калининград шаҳрида ва Свердловскда ёшлар учун уй-жой комплекслари қурилишини, Клайпеда шаҳрида савдо-сотиқ ташкил этилишини, Волгоградда матлубот кооперацияси қандай ривожлантирилаётганлигини ва шу каби мисолларни олиб кўринг. Одамлар буни сезиб турибдилар, корхоналар ва маҳаллий органларнинг раҳбарлари қандай ғамхўрлик қилаётганликларини кўриб турибдилар. Бу муҳим ишда масъулиятни ошириш, проблемаларни ҳал этишга ташаббускорлик билан киришиш керак ҳамда кўп нарсаларни яхшилаш ва тузатиш мумкин.

Тўла хўжалик ҳисобини жорий этиш билан бу йўлда, айниқса қулай шарт-шароитлар вужудга келади. Волжск автомобиль заводи бунга мисол бўла олади. Илгари заводда социал-маиший соҳани ривожлантиришга бюджетдан қанча ажратилса, шунча маблағ сарфлаш мумкин бўларди. Эндиликда иш ўзгармоқда: ана шу маблағлар кўп жиҳатдан сизнинг ишингизга, корхона оладиган фойданинг ўсишига боғлиқ бўлиб қолади.

Бугун янги шаҳрингизни томоша қилдим, шаҳар кишида яхши таассурот қолдиради. Одамлар шаҳар қурилишига қалб қўрини сарфлаб, бу ерда қулай яшаш ва яхши дам олиш тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Кейинги беш йил давомида шаҳарда 43 та болалар боғчаси, 20 та мактаб қурилганлигини, 34 минг оила янги квартира олганлигини биламан. Сизларнинг яқин беш йилликка мўлжалланган режаларингиз ҳам улуғвордир. Уй-жой, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаблар билан таъминлаш анча ошади.

Сизларда ҳали қийинчиликлар борлигини ҳам биламан. Сув, иссиқлик билан таъминлаш, уй-жой қурилиши сифати хусусида шикоятлар бор. Совет органлари, қурувчилар бу борада ҳали кўп иш қилишлари керак ва бунда уларга завод коллективлари ёрдам беришлари зарур. Депутатлар активроқ ишлашлари лозим. Ахир, депутатлар группаларининг кўпчилиги сизларнинг вакилларингиз. Демак, депутатларнинг жанговарлиги ишчиларга, заводингизга хос бўлиши зарур. Социал соҳа миллион-миллион кишиларнинг ҳаётий манфаатларини қамраб олади, у ҳар бир кишининг талаб-эҳтиёжларига тааллуқлидир.

Бу ерда завод бригадирлари Виктор Федорович Чванов ва Сергей Иванович Агапов сўзга чиқдилар ҳамда улар ўз ўртоқлари номидан бу йил бўш кунлардан камида тўрт кун касалхоналар, мактаблар, маданият уйлари қурилишида ишлаб беришни таклиф этдилар. Сизлар бу ишларнинг ҳаммасини маъқуллаётганингизни тушуниб турибман.

Марказий Комитет Бош секретари бундай фойдали ташаббусни партия Марказий Комитети номидан қўллаб-қувватлади.

## Ташаббусни ривожлантириш учун, масъулият ва талабчанликни ошириш учун

Ўртоқлар! Мамлакатимиз яшаб турган давр ўзига хос масъулиятли даврдир. Бу эса ҳаммамиздан жиддий ва қизғин ишлашни талаб қилади. Бироқ партия зиммасига, унинг комитетлари ва ташкилотлари зиммасига шубҳасиз, алоҳида масъулият юкланади. Мамлакат ҳаётидаги энг қийин ва мураккаб даврларда коммунистлар ленинча анъаналар руҳида олдинда борганлигини биласизлар.

Партиянинг кучи ҳамиша ташаббус ва намуна кўрсатишдадир. Жамиятимизни ривожлантиришнинг энг ўткир проблемалари айни партиянинг ташаббуси билан ўртага қўйилди ва бугунги кунда ҳал этилмоқда. Биз айни партиянинг ташаббуси билан тартиб ва интизомни мустаҳкамлай бошладик, иш учун талабчанлик ва масъулият ҳиссини ошира бошладик. Айни партиянинг ташаббуси билан биз партиянинг ўзида ҳам етилган ва дарҳол ҳал этилишини талаб қилаётган ўзгаришларни амалга ошира бошладик. Шубҳа йўқки, партия ташкилотлари ҳозир ҳам съезд қарорларини рўёбга чиқаришга оид ишларга бошчилик қилиб, ҳар бир коммунист фидокорона меҳнат намунасини кўрсатади.

Партия, унинг ташкилотлари амалга ошириши лозим бўлган ана шу улуғвор ишларда экономика фаолиятнинг асосий жабҳасидир. Мен бошқариш системасини, хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан нималар қилинаётганлиги тўғрисида гапириб ўтдим. Янги системалар ишлай бошлайди ёки тез орада ишга туширилади. Бошқариш ва рағбатлантиришнинг янги методлари жорий этилаётган ҳозирги пайтда социалистик қурилишнинг барча тарихий босқичларида тўла куч билан синовдан ўтган партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик кучидан фойдаланиш, уни КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш, айниқса муҳимдир.

Биз аввало, омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини сақлаб қолишимиз ва янада ривожлантиришимиз, уни белгиланган планларни амалга оширишга жалб этишимиз керак. Партия ишлаб чиқилган йўлни рўёбга чиқаришнинг бош гарантияси сифатида ўн миллионлаб совет кишилари учун изланиш, ташаббускорлик ва ижодий меҳнат вазиятини вужудга келтиришни ўз вазифаси деб билади.

Съезд кунларида ва ундан кейин Марказий Комитетга мамлакатнинг деярли ҳамма районларидан кўплаб мактублар ва телеграммалар келиб турди. Ишчилар ва деҳқонлар, ёшлар ва ветеранлар, эркаклар ва аёллар съезд қарорларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар, белгиланаётган тадбирларни маъқулламоқдалар. Улар ишлаб чиқилган йўлни давом эттиришни, жамиятда интизом ва тартибни бундан буён ҳам мустаҳкамлашни бир овоздан талаб қилмоқдалар. Совет кишилари қалб сўзларини аямаяптилар ва улар партия танлаган йўлини ўзгартирмаслигини, партия йўлидан боришларини айтмоқдалар. Бу наказни бажариш КПССнинг, унинг Марказий Комитетининг, барча ташкилотларнинг бурчидир. Биз бундан буён ҳам доимо меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиб, совет жамиятидаги талабчанлик ва самимият, ишонч ва ижодкорлик муҳитини, тараққиётимизни жадаллаштиришга кўмаклашадиган барча нарсаларни қўллаб-қувватлайверамиз.

М. С. Горбачев ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид масалаларига алоҳида тўхталди. Агар кимдир съезд ўтди, танқид қилишди, энди етар, деб ўйласа, тўғридан-тўғри айтаманки, бундай бўлмайди. Танқид ва ўз-ўзини танқид биз учун тез ўтиб кетадиган кампания ва айни вақтда қандайдир бекорчи иш эмас. Танқид ва ўз-ўзини танқид ишимизни такомиллаштиришнинг тўғри методи сифатида жамиятимиз ҳаётида ўзининг доимий ўрнини мустаҳкам эгаллаши лозим. Олға томон ҳаракатимизга, тараққиётимизни жадаллаштиришга халақит бераётган ҳамма нарсалар танқид қилиниши керак. Нуқсонлар ва камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш зарур деган фикримга қўшиласизлар деб ўйлайман. Бироқ биз танқид ва ўз-ўзини танқид майнавозчиликка, мадҳиябозлик ўрнини эгаллаган ўзига хос модага айланишига йўл қўймаслигимиз зарур. Баъзи жойларда шундай ҳам бўлмоқда: виждон азобида қийналиб, барча гуноҳларига пушаймон қилишмоқда, аммо ишни эскича олиб боришмоқда. Бундай усуллар билан ҳеч кимни алдаб бўлмайди. Танқид ва ўз-ўзини танқид амалий ишларни талаб қилади. Хатоларни эътироф этгач, уларни тузатиш йўлидан борилмас экан, бу самимиятсизликнинг, ишни сўз билан алмаштиришнинг биринчи белгисидир. Бунга фақат битта баҳо — қаттиқ, принципиал, партиявий баҳо бериш зарур.

Съезд қарорларини рўёбга чиқариш — бу ишнинг ўз умрини ўтаган услуб ва методларини яхшилаш, зарур бўлиб қолган жойда тубдан ўзгартириш, кадрларни масалаларни тезроқ ва самаралироқ ҳал этишга, ўз зиммасига масъулиятни олишга ўргатиш зарур демакдир. Қатъий, дадил ва новаторлик ҳаракатларидан чўчимаслик керак. Кимдир адашса, бу қўрқинчли эмас, ўртоқлар. Биз шундай нуфузли партияга, шундай кучли Совет ҳокимиятига эгамизки ва уларга халқнинг ишончи шунчалик зўрки, биз у ёки бу хатони тузата оламиз, ундан келгуси учун сабоқ чиқара оламиз.

Иш услубимиз қоғозлар ва протоколлар тузишга эмас, балки омманинг ташаббускор фаолиятини ташкил этишга қаратилган ғайратли ва амалий бўлиши зарур. Бу энг аввало, халқ хўжалигини бошқариш органларига тааллуқлидир. Улар бюрократик методлардан тезроқ халос бўлишлари лозим. Бугунги кунда ҳам нима учун бу ҳақда гапиришга тўғри келмоқда? Съезддан кейин ҳам расмиятчилик ишга халақит беряпти, ишни яхшилаш зарурлиги тўғрисида кўп гапирилса-да, кам иш қилинмоқда. Жойларда одамлар билан бевосита иш олиб бориш керак. Ҳаммани район комитетларига ва кабинетларга чақириш керак эмас, балки жойларга, одамлар ишлаётган, проблемалар, муваффақиятлар ва нуқсонлар яққолроқ кўриниб турган жойларга бориш зарур.

Қайта қуриш, ишнинг услуб ва методларини ўзгартириш бошқаришнинг юқори босқичларида, партия, совет органларидагина амалга оширилиб қолмаслиги керак. Барча иллатларга ана шу ташкилотлар фаолиятидаги камчиликлар сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Айтилган гаплар ҳар бир ишчига, колхозчига, мутахассисга ва мана шу залда ўтирганларнинг ҳар бирига баб-баравар тааллуқлидир. Ҳа, ўртоқлар, сизларга ҳам тааллуқлидир.

Станок ёнида ёки йиғув линиясида ишлаётган ишчининг ҳам ўз иш услуби бор. Бу услубни яхшилаш — ишга муносабатни яхшилаш, ҳар қандай пала-партишликдан, хўжакўрсинчиликдан, кўзбўямачиликдан халос бўлиш демакдир. Бу — ишни тўхтатиб туришни, муҳокама қилишларни камайтириб, кўпроқ ҳалолликни, тадбиркорликни, ишга эътиборни кучайтириш зарур демакдир. Айтиш мумкинки, бошқалар учун эмас, ўзимиз учун, умумий мақсад учун, совет кишилари яхшироқ яшашлари учун шундай қилиш керак.

Умуман ишни ташкил этишдан то бошқаришгача бўлган ғоят кенг маънода тушунилаётган ишнинг услуб ва методларини ўзгартириш масалалари бугунги кунда биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда. Биз бу вазифани ҳал этамиз, биз эса шундай қилишимиз зарур, демак, бошқа вазифалар ҳам қанчалик мураккаб бўлмасин уларни ҳам ҳал этамиз.

## Тинчлик йўли — урушга қарши олиб борувчи йўл

Энди халқаро ишлар ҳақида гапирмоқчиман, ўртоқлар. Яқинда мен америкалик конгрессменлар билан учрашдим ва уларга нима деган бўлсам, сизларга ҳам шу гапни айтишга ваъда бердим. Бизда иккита сиёсат йўқ. Бизнинг совет халқи манфаатларини ифодалайдиган ва бошқа барча халқлар манфаатларини эътиборга оладиган битта сиёсатимиз бор.

КПСС XXVII съезди ҳозирги дунёнинг жамики зиддиятлари ва ўзаро боғлиқлигини батафсил таҳлил этиб берди. Унинг муаммоларини ҳал қилиш учун янгича фикрлаш, новаторларча ёндашиш мутлақо зарур, қуролланиш пойгаси ва ҳарбий техниканинг ривожланиши қалтис нуқтага етиб келганини англаш зарур. Биз шунга асосланиб иш тутаяпмиз. Шу билан бирга, жаҳон сиёсатида синфий жиҳатдан бизга қарши система ёнма-ён яшаб турганини ва тинчликни сақлаш нуқтаи назаридан олганда Қўшма Штатлардек жиддий реаллик қарши турганини англаяпмиз. Аммо, бу мамлакатнинг раҳбарлари ўтган замонларнинг одатларидан ҳеч воз кеча олмаяптилар ва Совет Иттифоқининг реаллиги билан ҳисоблашишни хоҳламасликлари равшан кўриниб турибди.

Аммо бу факт бизни мухолифликдан қутулиш йўлларини излашдан тўхтатиб қола олмайди, чунки бундан бошқа йўл йўқ. Акс ҳолда ядровий фалокатга олиб борувчи пойгада қатнашишга тўғри келади. Бизнинг феъл-атворимиз, бизнинг йўлимиз ўз принципларимиз ва ахлоқимиздангина эмас, шу билан бирга бизнинг бошқача ёндашиш реал эмаслигини тушунишимиздан ҳам келиб чиқади. Менинг Парижга ва Женевага боришимнинг боиси шу эди. Совет Иттифоқи бир қанча катта ташаббуслар билан майдонга чиқишининг сабаби шу эди. Биз Женева учрашувидан кейин дарҳол у ерда эришилган аҳдномаларни ва Қўшма баёнотни амалий ишларга айлантиришга киришганимизнинг боиси мана шу эди.

— Биз ядровий портлатишларни ўз ташаббусимиз билан тўхтатиб қўйиш муддатини икки марта узайтирдик ва ядровий синовларни бутунлай тўхтатиш тўғрисида дарҳол музокаралар бошлашни таклиф қилдик;

— Биз Вена ва Стокгольмдаги конференцияларда Ғарбнинг таклифларини эътиборга олувчи таклифларни ўртага қўйдик;

— Оммавий қирғин қуролини тугатишнинг, бошқа қуролларни зарур мудофаа даражасигача қисқартиришнинг конкрет ва равшан плани баён этилган 15 январдаги Баёнотимиз кенг кўламли ташаббус бўлди;

— Биз европаликларнинг ўртача олислик ракеталарига, шунингдек оператив-тактик ядро қуролига нисбатан хавотирлигини эътиборга олиб, Европа зонаси учун муросага келиш вариантини таклиф қилдик;

— Биз Совет Иттифоқи ва Америка флотларини Ўрта ер денгизидан баб-баравар олиб чиқиб кетишни таклиф қилдик;

— XXVII съезд мана шу тадбирларнинг ҳаммасини маъқуллабгина қолмай, шу билан бирга халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш асосларини ўртага қўйди.

Хўш, ғарбдагилар бунга қандай жавоб беришди? Қуролланиш пойгасига чек қўйиш, халқаро иқлимни соғломлаштириш уларга ҳам бевосита боғлиқ-ку ахир! Женева учрашувидан кейин улар ўзларини қандай тутдилар? Уларнинг йўли қандай? Аввало, биз 15 январдаги Баёнотга қаноатланарли жавоб олганимиз йўқ. Бизга юборилган нарса эса, ишнинг моҳиятидан чекинишдан, чалакам-чатти чоралар билан қутулиб қолишга уринишдан, дудмал ваъдалар билан жаҳон жамоатчилигини чалғитишдан иборат.

Қўшма Штатларнинг хатти-ҳаракатлари, НАТОнинг реал сиёсати масаланинг моҳиятига улар қандай жавоб бераётганини кўрсатиб турибди. Женевада иккала томон ядро урушида ҳам, шунингдек ядровий қуролланиш пойгасида ҳам ғолиблар бўлмайди, деган фикрга келган эди. Аммо биз ядровий аслаҳахоналарни қисқартириш ва тугатишнинг содда ва равшан, босқичма-босқич планини таклиф этганимизда бизга: «Йўқ!» деб айтмоқдалар.

Ёки, русларга ишониб бўлмайди, улар жойларда контрол ўтказилишига йўл қўймаяптилар, деб неча йилдан бери такрорлаб келдилар. Биз контролга рози бўлдик. Бунга жавобан эса, президент Рейган ядровий портлатишларни тақиқлашни эмас, балки ядро қуролини такомиллаштириш ишини «контрол» қилишни таклиф этмоқда. Америкада бир газета яқинда, заҳарханда қилиб ёзганидек, «Бу нарса олий жазо чораси бекор этилишини талаб қилаётган кишидан қатл пайтида ҳозир бўлишни илтимос қилишнинг ўзгинасидир».

**(Давоми 4-бетда).**

